

ХАЛҚ СУЗУ

ХИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАМАЗОН, 17-КУН.
ШАМСИЯ, 1371 ЙИЛ, ҲАМАЛ, 1-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 21 МАРТ, ШАНБА, 55-СОН • 306 •

НАРХИ

ОБУНАЧИГА 15 ТИЯНН. СОТУВДА 60 ТИЯНН.

РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛАРИГА НАВРЎ ТАБРИГИ



Муҳтарам юртошларим!

Мустақил Ўзбекистон янги умидлар билан фасли Наврўзга қадам қўймоқда.

Орзу-армонларимизни, мустақиллигимизни, бизни дунё таъини бугун гулга бурканаётган она табиятнинг ўзи кўриб турибди.

Келинг, ҳаммамиз ана шу Наврўз айёмида биргаликда, қўлни-қўлга бериб, тақдирга яна бир бор раҳматлар айтилайлик!

Халқимиз бошидан кечириётган қийинчилик ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Лекин доно ва чидамли, насибаси бутун халқимиз билан бу оғир синовлардан ҳам ёруғ юз билан чиқишимизга ишончим комил. Бугунги кунда эл-юртимизга тинчлик, осойишталик, ҳамжихатлик ҳаводек, сувдек зарур.

Ҳар бир фуқаро ўртасида дўстлик, меҳр-оқибат, имон, ҳалоллик, миллатлар аҳлилик биз учун муқаддас бўлмоғи керак.

Қуръони каримдаги инсонлар қайси миллат вакили бўлишдан қатъий

назар ўзаро биродардир, деган пурҳикмат гоёни эъозлаб, имонимизни бақувват қилайлик.

Тарихнинг ўзи омадимишни бериб турибди, қадрига етайлик. Бутун бойлигимизни ўз қўлимизга олдик. Бор бойлигимизга янги бойликлар қўшилмоқда. Янги-янги насибаларимиз Мингбулоқ бўлиб, она замин бағридан фавворадек отилиб чиқмоқда.

Табият саховатини, борлигини халқимиздан аямапти. Осмон замин ҳам йилдан-йилга мурувват қилиб келмоқда. Меҳнаткаш халқимиз бунга яраша тер тўкиб ҳалол меҳнат қилапти.

Буларнинг барчаси пок-халис мақсадларимизга яраша Алло таолонинг бизга юборётган эҳсонларидир. Оқ фотиҳаларнинг намоён бўлишидир. Аждодларимиз руҳларининг бизга мададкор бўлаётганидир.

Мен буюк ва қудратли, сеvimли ва азиз халқимга унинг бир фарзанди сифатида мурожаат қилиб айтманки, ишонинг: кимнингки нияти пок бўлса, эл-юрт, халқ учун фидоийлик билан халисона меҳнат қилса, албатта қайтади.

Ҳар кимнинг уйи, ҳар кимнинг хонадони, ҳар кимнинг оиласига файз бўлиб қайтади.

Бу муқаддас кунларда мен бунга ҳар доимгидек ишонаман. Сиз, азизларни ҳам ишонишга чақираман.


Муҳтарам ватандошларим, жигарбандларим!

Барчангизни Наврўз билан яна бир бор муборакбод ётаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. ҚАРИМОВ.

АВВАЛОМ



Наврўз!



Азим СУҲОН

ВАТАНДОШЛАР ҚУТЛОВИ

Хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган барча туркистонликлар номдан ўзбекистонлик биродарларимиз, онахоҳларимиз, опа-сингилларимизни мустақилликнинг биринчи Янги йили — Наврўз байрами билан табриклаймиз.

Янги йилда ҳаммамиз гоёибона бирлашиб, ўзгача наъшида билан кйриб келган байрамимиз қутлуғ, баранкали ўтсин, аски орзу-армонларимиз ушалсин, ризқу рўзимиз бут, мустақиллигимиз мустаҳкам бўлсин ва Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари даврасидаги шухрати янада баландроқ бўлсин, деб астойдил ният қилайлик.

Абдурауф МАҚСУДИЙ,
«Эл» халқаро уюшмасининг раиси.

ЙИЛ БОШИ

Бугун баробардир Кеча ва Кундуз — Олам меҳрида куёш барқарор. Жанубий ярим шар кучоғида Куз, Шимолий ярим шар бағрида Баҳор.

Хуш келдинг, Наврўзим, Ўзбекистонга, Хуш кўрдик мойчечак, бодом гуллари. Истиқлол юз очган ота маконга Анбарлар ташийди тоза еллари.

Гарчи кечаларнинг ҳарорати паст, Этни жунжуқтирар бу тунарлар гарчи, Офтобли кунларга илхосу ҳавас Олиб учиб келди наврўзак* — элчи.

Йил — Йил бошидан... мана, нафаси Тумандай тарқатди Қиш жафоларин. Жарлар, дарахтларда қушлар уяси Тағри кутиб олди «бевафо»ларин.

Мен бир ошиқ шоир, кўкда камалак, Қалдирғочнинг қийиб учинин кутдим. Дошқозонлар тўла ҳалим, сумалак, Қозоннинг тўлгани рости бўлсин, ЮРТИМ!

* Наврўзак — қуш номи.

УЛУҒ АЙЁМ

Ҳар куннинг бўлсин Наврўз деганларидек, айни паллада бутун мусулмон дунёларида улуғ ва муътабар байрамимиз кенг нишонланмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Юнусобод мавзееининг 12-ҳақасида ҳам кун-кеча Наврўз тантаналари байрам қилинди. Тантаналар Қўрғони карим тиловати билан бошланди. Пурҳикмат ва мангу оят сўзлари тугаши билан карнай-сурнай наволари янграб, шўх лапар ва қўшиқлар бошлана кетди. Шифокор опаимиз Светлана

Аҳмаджонова даҳа аҳолисини Наврўз билан қутлади. Шундан сўнг дошқозонларда ҳил-ҳил тишган ошу сумалаклар дастурхонларга тортилди. Ингилганларни шоир Азим Суҳон, адабиётшунос олим Малик Муродов ва бошқа фан ва маданият намояндалари қизғин табриклаб, ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди. Эрта тонгда бошланган шодиёна қош қорайтуғача зўр кўтаринчилик руҳида давом этди.

ХАЛҚ БАЙРАМИ

— Бу йилги Наврўзнинг ўзига хослиги, енг муҳим фазилати шундаки, бу қадимий кутлуғ айём республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг биринчи марта нишонланаётган. Комитетимиз мана шунга асосий эътиборин қаратди. Табиатда азалий янгилашиб, қайтадан тугилмиш юз бераётган айни кунларда халқимизнинг гурури, ор-номуси, бунёдкорлиги билан ифтихори, ўтмишимизга меҳр-муҳаббати намоён бўлиши керак.

Авалги йиллардаги нисбатан бу галги Наврўзни нишонлашда бир янгилик бор: пойтахтимизнинг Навойи боғида эрталабдан кечгача байрам бўлади. Ун бир ноҳиядан ўн бир маҳалла ва қадимий, гўзал, шарофатли айёмни халқимиз қандай нишонлаб келгани ҳақида театрлаштирилган сахналар намойиш қилинади. Бу томошаларда миллатимизнинг ўз она ерига, маросимларига, қадр-қиммати, келажатига муносабати акс этади. Масалан, тўй шодиванлари, сумалак сайли, бешик тўйи, экин-тикин байрами...

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗИШ
РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛИИ КОМИТЕТИ РАИСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ВОШ ВАЗИРИНИНГ
ЎРИНБОСАРИ ЭРКИН САМАНДАРОВ
ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СУЗЛАБ БЕРДИ:

Биз байрамга тайёргорликнинг илк кунлариданоқ уни ўтказишда сиёсий ширларга умуман эътибор бермасликни таъкидладик. Халқимиз азал-азалдан қандай нишонлаган бўлса — ушандай: табиий, саманий, меҳру оқибат, саховат, бағрикенглик, одамийлик намойишига айлансин Наврўз. Чавандозлар отларини, келинчақлар бешикларини омонлик айёмига ҳозирладилар.

Вилоятларда ҳам Наврўз худди шундай ўтади. Тадбирлар, сайиллар, кечалар, девралар бошидан охиригача халқимиз қадриятларини шарафлашга қаратилган. Ингилганлар ҳузурига Фаробий, ИБн Сино, Улуғбек, ал-Хоразмий каби буюк алломалар чиқадилар. Яна бир янгилик: эл олдига Мо-до-Ер намоён бўлади. У ўз бошидан кечирган дарду қувончларини, ақ-

волини, армонлари, орзу-умидларини баён этади. Наврўз билан Баҳорой гулу сабзаларга бурканиб келадилар. Айни кунларда биз учун энг муҳими — халқнинг руҳиятини кўтариш, унинг ўзлигини танитиш, томирларда буюкларнинг қони борлигини ишончини сингдириш — булар асосий мақсадларимиздир. Наврўз — халқ байрами, халқ ўз-ўзига намойиш қилиши керак.

Тантаналарда республикамиздаги барча машҳур бадийи дастлардан тортиб болалар фольклор дастларига қадар иштирок этадилар. Байрам ўтказиладиган сахналарнинг энг тўрига сўрилар қўйилиб, оқорли кур-пачалар ёнлабди, дастурхонлар тузатилади, кекса отахонлар иззаат-иқром билан бу жойлардан ўрин оладилар.

Халқлар дўстлиги майдонидидаги санъат қозонаси олдидаги сўриларга мўйсафидлар ўтирған, аввало ўтганларни хотирлаб, уларнинг руҳини шод этиб Қуръон тиловат этилади.

Кейинги етмиш йилда мамлакатимизда инсон қадр-қиммати пой-мол бўлди, миллат ўз шаънини бо-шига қўймаган юрда мустақиллик бўлмади. Шу боисдан бу муқад-дас удумни кекса отахонлар, онахонларни эъозлашдан бошлаб тиклашимиз керак.

Ҳамма вилоятларда қабристонлар тартибга келтирилди, саришталанди, ободонлаштирилди. Бу тадбир-нинг моҳияти ҳаммага аён. Қардош Туркиядан келган хайрия энг аввало сөрфарзанд оилаларга, ногиронлар, кексао касалмандлар, боқувчисиз қолганларга тарқатил-ди. Ҳаммамизнинг «Хайрия» жам-ғарамиз, Қизил Яримой жамияти меҳру саховат тадбирларини қар доимгидан ҳам зийд қилдилар. Қадимда ҳар бир туғилган ўғил

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК ХАЛҚАРО ЁРДАМИ

ҚИЗИЛ Яримой жамияти-си бирор мамлакат бўлмаса керак. Қардак табиий офат-руй берса, ўша ерда ана шулар ҳозир нозир. Жанг май-донларида ҳам қўлларига қи-зил чочли мато бойлаганлар кўринса, томонлар уларга мо-нелик қилишмайди, чунки уларнинг мақсадлари — эзгу-лик.

Эрзинион шаҳрида яқинда рўй берган энгилдаги турки халқ беҳад азим чекмақда. Жабрдийдалар қолган республикамиз халқи бафариқ турши-ни ўзларига эп кўришмади. Ўзбекистонликлар ҳам бирин-чи мартаба мустақил равиш-да халқаро ёрдам кўрсатишга азм қилишди. Табия офат-нинг инқичи кунёқ жуҳурият Қизил Яримой жамияти ёрдам уюштиришга киришди. Бисотда сақланаётган нарсалар ҳисоблаб чиқилди. Ва улар

И. ДИЛМУРОДОВ.



ТОҒЛАРДА БАҲОР

Тошкент вилояти Паркент районининг Новадк, Санганик, Шапкан каби қишлоқларида ҳам кўшнинг баҳорий илқи ёғдуси билан Наврўз кириб келди. Тоғ бағрида ҳамад насим эса бошлади. Табиқатнинг илҳий уйғоншидан қалблардаги мудоқ туйғуларининг наврўзи тўқилдиш мавқилари. Мусофҳо осмонда парранларга қўшилиб ширинтой болаларнинг завқу шавқи парвоз қилди.

лар. Экин-тикин юмушларига тайёргарлик авж олиб кетди. — Бугунги кунда қишлоқ аҳлини эсанси қотаридаган йўл-йўриқлар билан чалғитиш ярамайди, — дейди «Паркент» давлат ҳўжалиги директори А. Турсунов. — Халқимиз ўз вазифини, увол-савабини жуда яхши билади... Эрта тонгдаёқ тоғликлар байрамона кайфият билан марказий чойхонага тўпланишди. Карнай-сурнай садолари тоғ чўкичларига урилиб акси садо берди. Момолар чехрасида ёшарш, келинлар рўхсорида ҳам, йигитлар ингоҳида мағрурона кайфият бақ уриб турарди. Дастурхонларга баҳор неъматлари — сумалак, ҳалиму ялқис сомса каби таомлар тортилди. Одамлар бир-бирларини Наврўз билан кутгашлар экан, тирикликнинг, меҳрининг нақадар бебаҳолигига яна бир қарра амин бўласан киши.

О. АСАДУЛЛОЗОДА.
В. БАСКАКОВ олган сурат.

БАХТЛИ КУН

НАЗИРА опа Шодмонованинг қувончи янча сиғмай кетди. Баҳор байрами арафасида ўн боланинг онаси, ғайратли, ишининг кўзини биладиган, омиқдор аёл Қарни шаҳрида ўз хусусий дўконининг янги биносини очиб муваффақ бўлди.

моларни ҳал этиб бўлмасди... «Саодат» хусусий дўконда саксон киши ишлайди. Уларнинг ҳар бири намида 1700 сўмдан маош олмақда. Харидорлар дўнондан нимани хоҳласалар сотиб олишлари мумкин. Хўш, шундай тақчил шартда улар молни қардан олишяпти?

НАВРЎЗ УДУМИГА БИНОАН «АФОН»ЛАР ТАШАБУСИ

САМАРҚАНДДАГИ «Ватан қақони» ҳарбий-ватанпарварлик бирлашмаси аъзолари — собиқ байналмилалчи жангчи-байрам арафасида ташлаб кўйилган ердаги ўзлари учун ажратилган 50 гектар жойга уч мингдан зиёд мевали ва манзарали дархат, анвойи гул кўчатлари ўтказдилар.

ОППОҚ БУЛУТЛАР ОША...

ЯНА Наврўз келди, олам яшармоқда. Айни вақтда жондош, жафокаш Ўзбекистонимиз забардаст йигит монанд қайтадан яшармоқда. Ҳа, қурраи заминни олмага қиёс этсак, унинг қуёшга боққан қирмизи томони Ўзбекистондир.

Булутлар тарқалиб, наврўзу иймон қуёшининг нурлари аввал дилимизга тушди, макруху ғуборларни йўқ этиб, она-юртимиз Мовароуннаҳрнинг минг асрий ўз баҳорий умри сақлаб қолмоқда. Бу гоятда гўзал, бу кунларга етганлар, етмаганлар ҳам бор... Улуғ халқ ўз умри ҳётининга эмас, занглаб, йўқолиб бораётган туркий ва форс-тожик тилимизни — забонимизни ҳам сақлаб қолмоқда.

Темурийлар-Навоийлар давридан кейин, булак-сўлак бўлиб кетган Мовароуннаҳр, мана, беш юз йилдан сўнг қайтадан истиқлол йўлига ўтди, иншоолло, халқларимиз иродаси, бу азму қарори пойдор ва абадий бўлғай!

мислсиз ғалаба авваламбор юқорида зикр этилмиш Халқимиз ва Президентимизнинг меҳнату жасорати, иродаю қудрати, айни вақтда миллатга, она заминга садоқати ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Дилдаги сўзни ҳайқилмай айтганидан давр келганининг ўзи ҳам чинмак ижодкорлар учун Наврўзи олам бўлди. «Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сибат матлубдур», деган эди Навоий. Баланд тоғлар устида юрган кимса тоғнинг буюклигини кўролмайдди, узоқдан туриб бу тоғлар саботини яхши кўрмоқ мумкин. Туркиядан ўз жумҳуриятига қарадик. Ўзбекистон жумҳурияти Вазири аъзамининг ўринбосари Муҳаммадхон Қорабоев раҳнамолигида бизлар Истанбул, Анқара, Измир, Бурса, Хўрғазли... шаҳарларида бўлиб, делегациямиш таркибда: Тўлабеген Қайноғенов, Элбек Мусаев, Омон Матжон, Баҳодир Жалолов, Турсун Қоратоев, Исмаил Хўшнов, Қарим Бақриев, камна ҳамда академиклар ва профессорлар — Жўра Абдуллаев, Иброҳимжон Искандаров, Жаҳонгир Ҳамидов, Содиқ Сафаров, Азиз Қодиров, Шобот Ҳўжаев, Маҳмуд Мусаев, Асмидин Уриқбоев, Бозор Уриқбоев, Азим Хожиев, Мўстор Умархўжаев, Акмал Қосимов, Мурод Шарифхўжаев, Қуванишбой Утаниёзов... ва бошқа аъзолари бор эдилар. Биз қардош Туркия заминидан туриб, жонажон жумҳуриятининг яқин йилларда босиб ўтган оламшумул оқимларини ҳам ёддан ўтказдик. Етимиз йил биз қондошимиз, диндошимиз турк халқи билан хўжронда, даярлик айрилиқда яшадик. Ҳозирги кунда бу айрилиқ жарликларни, йўлимизда тўғаноқ бўлган хандақлар йўқолди. Ота-ини топишар, хамири сенга ёпишар... дейди халқ. Шундай бўлди. Ҳасадгўйлик билан «пан-туркист» деб қўрқитувчи, пешонамизга босилан «миллатчи» деган тамгалар йўқолди. Бунинг учун қудратли халққа, доно ва жасур раҳнамоларимизга ташаккур айтамеиз! Ўзликдан кечиб, халқ иши, бахту саодати йўлида хавфу хатарлардан қўрқмаган, жасоратли инсонларни авлоду аждод есло ўнутмайдик! Шу халқни деб тунларда океанлар устида ўн соғлаб ўзиб юрган, ҳаётини халқ ишига тиккан аъзоларимиз доимо саломат бўлсин!

Ҳа, яхши ва тўқ яшаётган, аллақачон мустқиликни, кўлга киритган, буюқ Ота-турк раҳнамолигида ўз мамлакатини тараққий қўққисига олиб чиққан Туркия бизни — ўз қариндошларини — қорлади. Келинлар, аъзоларим, деб бағрига босди. Қуруқ гап эмас, амалда беминнат ёрдам бермоқдалар. Президентимиз Ислом Каримов билан Президент Тургут Узоқ, Вазири аъзам Сулаймон Демирал Ҳазрат Оқиллари кучоқлашиб омонлашди. Туркияда Сулаймон Демирал раҳнамо бўлган Тўғри Йўл партияси гоятда қатъ ошди бўрға эканини бориб билдик. Худди шундай савимий ва қайноқ мулоқот бизлар билан ҳам бўлди. Ўзбекининг бир қавтар адибага, сиз аъзали ораганиларимизга Туркиянинг барча дарозларини оқиқ, дедилар. Турклар ўз тўғрини — Она ери, (Она дўли), Туркистонимизни — Ота ерим, деб атайдилар. Дарҳақиқат, турк уруғимиз Х аспларда Мовароуннаҳр тўғридан чиқиб, у томонга борган. Вазири аъзам ва бошқа арбоблар қадимий Ота ери — Туркистонни бир дақиқа бўлса ҳам ёддан чиқармаганликларини тақрор-тақрор айтдилар.

Истанбул. Жасур ва атоқли учувчимиз Саримсоқов бизни уч денгизу уч қумлик, уч осмонлар тоғлару олтинш уч дарё, уч беҳудуд кенгликлару уч қават оппоқ булутлар оша, эртадағидек, бизларни гўзал Истанбулга етказди.

Ҳайратомуз палла... Инсонга ато этган оқлу заковат ўз жамолини кўрсатди. Шу Наврўз арафасида ошад ва мустқил жумҳуриятимиз жаҳоний мўтабар идора — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, юздан ортик давлатлар таниб, эътибор этиб, тан олгани, Тошкентда саполат-хоналар очибга қарор қилингани бизнинг тарихимизда мисли кўрилмаган воқеа. Биз бу хушбахтарни Истанбулда, кейин Анқарада билган эдик. Тошқи ишлар вазириимиз Убайдулло Абдуразоқов Вазири аъзам Сулаймон Демирал Доруслатанасида бизга бу хабарни етказди, тонгда Нью-Йоркка учиб кетганини айтди. Узоқ йиллик муҳорабалар, жангу жадалларда ғалаба қозонганда қўлга киритилган бу

ҲИММАТ КАРВОНИ

ХОРАЗМЛИКЛАР Наврўз айёми арафасида оғир оқ юк олган автомашиналарнинг оқидан ташқари қарвонини кутиб олдлар. Беминнат инсонпарварлик ёрдами тариқасида узоқ Туркиядан тайёрлар оқилан Ўзбекистон пойтахтига ташиб келтирилган юкларнинг бир қисми республикамизда моҳир автомобилчиларнинг ҳиммати туфайли экологик ҳалокат минтақасида жойлашган воҳога етказиб берилди.

«СССР деган ватанда 78 йил яшаб бугунгидек улкан ғамхўрликка дуч келмагандик, — деди Рўзмин ота ҳам-шаҳарларнинг финкири ифодалаб. — Ҳиммат ва ёрдам учун минг ташаккур. Президентимиз И. Каримовнинг дадил сазий-ҳаракатларини шундай катта ҳамкорлик ва меҳр-оқибатга йўл очиб берди. Бу аъза инсон ва ҳукуматнинг доно тadbирлари шарофати-дон ҳаётимиз рўшноликка тушмоқда. Аммо кун кеча-ги хунук хабар ҳаммамизнинг юрак-бағримизни эз-моқда. Бизга ёрдам ва мадад қўлини чўзаётган қардош мамлакатда содир бўлган кучли zilzila оқибатида ки-

шлар халқ, бойликлар эса ноҳуд бўлгани қалбимизни гамга тўлатди. Шундай оғир кунда ўзимизни турк бирдорларимиз билан ҳамдард ва ҳамнафас сезаёламиз. Дўстлар бошига тушган қулфат бизнинг ҳам қулфатимиз, дарду аламимиздир.



Келинчак саломи. Содиқ МАҲҚАМОВ олган сурат.

МЕҲР-МУРUVВВAT ЧАШМАСИ ЭГАЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Дўст Туркия Республикасида юборилган ёрдам Тошкент оқрали Андижонга ҳам етиб келди. Андижон шаҳарлараро юк ташин автостанцияси ҳайдовчилари олиб келган жами юз тоннадан зиёд ун, гуруч, шанкар, маргарин, қуритилган суг, листа ёғи ва 27 минг литран шприцлар ёрдамга муҳтож ибу болани олдлар, ногиронлар уйда истиқомат қилувчилар учун мўлжалланган.

Шаҳар йўловчиларига транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги муаммолар ўзга соҳалардагидан кам эмас. Бозор иқтисодиёти бу жаҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Улуғ Наврўз айёмида улар қандай кутиб олаётганлар! Тошкентликларга транспорт хизмати кўрсатишининг аҳоли қандай! Келажакда тадбиркорлик учун шароитлар яратилади!

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ мухбиримиз билан сўхбатда ана шу саволларга батафсил тўхтади:

— Аввало халқимизни, бирлашмамиз меҳнат аҳлини қадимий Янги йил айёми — Наврўз билан кутламоқчиман. Илоҳим, халқимиз риқ-рўзини беҳисоб қилсин. Тинчлик, соғомонлик бўлсин. Ҳозирги ҳаёт қийинчиликлари кулфат эмас, синовдир. Бундай мушкулларни енгишга Аллоҳ ўзи йўл кўрсатсин. Ҳамма эзгулик тарафдори бўлсин.

ли ҳақида ўртоқлашмоқчиман. Одамларнинг узогини яқин қилиш — савоб иш. Бир кунда 1200 та автобус, 200 дан орттиқ микроавтобус, 3000 дан зиёд такси машинаси йўлга чиқади, бир ярим миллион аҳолига хизмат кўрсатади. Шундай бўлса-да, бизнинг номимизга шикоятлар оз эмас. Иқтисодий қийин шароитда жамоат транспорти ишнинг янада яхшилаш масаласи кўпроқ Россияга боғлиқ бўлиб қоляпти. Узимизда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган заводларнинг йўқлиги, транспортнинг четдан

Транспорт хизматини фойда келтирадиган жаҳага айлантириш чоралари белгиланаяпти. Жамоат транспортини хусусийлаштириш тадбирлари қўйилмоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда фойда ни кўзлаб нарх белгилаш зарурати туғилаяпти. Шундагина бу соҳани ривожлантириш мумкин бўлади. Чунки автобуслар ҳар бир йўловчини ташвишда 98 тиын зарар кўрмоқда. Мен йўл ҳақини кескин ошириш керак, демократик эмасман. Автобуслардан келадиган зарарни бошқа транспортлардан келадиган фойда билан қоплаш лозим. Еки бўлмаса чет эл тажрибасидан ўрганишимиз керак. Ушбу жамоат транспорти ҳошимиятларга бўйсунди ва давлат томонидан маблағ билан тўминланади. Ҳозирда транспорт қатнови йўналишларини қайта кўриб чиқаямиз.

БИЗ ЭЗГУЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

ҳаваскорлар ижросидаги концертлар билан хушнуд кечади. Бирлашмамиз меҳнатқашлари байрами кутиб олиш билан бирга эл хизматида бўладилар. Шу кунлари қўшимча йўналишларда транспорт қатнови йўлга қўйилади. Бу шахарликларнинг байрам кайфиятини оширса, ажаб эмас.

ҚИСҚА САТРАП

● ҚАДИМИЙ шошмақом дйёри Бухорода «Анъанавий ижрочилик таълим муаммолари» мавзусида олий ва ўрта махсус санъат ҳамда маданият ўқув юрлари Шарқ муסיқаси ва анъанавий ижрочилик бўлиmlари ўқитувчиларининг республикалараро кенгаши бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бу анжуманда Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон мустақил республикаларининг маком ижрочилари, шаршюнос олимлар, санъат усталари ўзаро тажриба алмашдилар.

Хайрия ҳашари КЕЛАЖАККА УМИД

ҲАР ЙИЛИ Ленин таваллудига бағишлаб собиқ Иттифоқда коммунистик шанбалик ўтказиш шарт қилиб қўйилганлиги азиз муштарийларга яхши маълум. Бу анъана таърифлашда ихтиёрий, аслида эса мажбурий эди. Ўзбекистон мустақил давлат мақомини олганлиги шарофати билан бу йил ўша мажбурий анъана барҳам топди. Жумҳурият коммунистик нафис марказга тегадиган ҳукуматини шанбалик ўрнига бу йил Наврўз умумхалқ байрамига атаб 14 март кунин «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-шафқат» хайрия ҳашарини ўтказишга қарор қилган эди. Ҳашардан тушадиган маблағ илгаригидек марказга оқмай, жумҳуриятнинг ўзидаги муҳтожлар эҳтиёжига сарфланишини тушунган халқ ҳукуматининг қарорини маъқуллаб кутиб олди ва шу боис хайрия ҳашари гоёт ушоқоқлик, ҳамжихатлик билан ўтди.

Хайрия ҳашари кунин фахрийларга, ноғибонларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, етим-есирларга алоҳида ҳурмат-эзат, гамхўрлик кўрсатилади. Қишлоқ кенгаши ҳузурида ташкил этилган хайрия жамағатаси маблағидан уларга ердан пули ва совға-саломлар тарқатилади. Ҳудуддаги ҳамма ширкатлар ўзлари тайёрлаётган лобфазал ва кийим-кечакалардан керагича ажратиб, ота-оналари барвақт ўтган етим-есирларга бепул тарқатдилар.

Абдусамат ИҶУДШЕВ.

БОДОМ... БАРИБИР ГУЛЛАЙДИ

УША оқшом ҳаво бир қадар тунд эди. Қодир ҳаёт уйғонаётгани, она заминга буюк ижодини, бунёдкорлик кучини намойиш қилаётгани, ўлкада баҳор гуллаётгани, Йилбоши байрамини яқинлашгани — Наврўз кириб келаятгани рост эди. Яхши ният билан бошланган хайри иш — «Бодом гули» кўрик-танловини янқуловчи концертга рўзномамиз ходимлари маълум сабаблар билан қатнаша олмадилар. Биз бу кунини эзгу ниятларга тўлиб кутган эдик, уни чиннакам Шейрият, Сўз ва Санъат байрамига айлантиришмоқчи эдик — бўлмади. Шундай қилиб, биз бу йилги «Бодом гули» тантаналаридан маҳрум бўлдик.

емаган экан, гапин узоқдан бошлади, халқимизнинг илк баҳордаги удуларини эслатади: «Келинлар, расида қизлар болаларга чиқарди, гуллаган дарахт япроқларича қулоқларига қистириб, чучумоллар, эдиллар териб...»



БАЙРАМ тонги отди — элда тўй-маърака бошланди. Маъмур НАЗАРОВ, Равил АЛЪБЕКОВ ва Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

МУАТТАР ИСЛИ

НАВРЎЗ туркий халқларнинг қадимий янги йил байрамидир. Наврўз Урта Осиёда исломга қадар (VIII аср) милоддан аввалги 3-асрдан бошлаб тантанали нишонланган. Бизнинг аجدдоларимиз Наврўзни қандай нишонлаганликларини тўғрисида Ал-Хоразмий, Форобий, Ал-Беруний, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа олим ва адибларнинг асарларида қайд қилинган.

Чун келди баҳор ойн, юз очди бу дам наврўз, Кўк майсалар устига еткурди қадам наврўз. Завақ ила тўлиб диллар, уйғонди бутун гуллар, Хуш исли ҳавос-ла хуб келди шинам наврўз!



РАҒБАТ НИШОНАСИ

Пойтахтдаги 51-курсдон ўрта мактаби ўқувчилари бу савар Наврўз байрамини ўзига нишонламоқдалар. Махсус даярларда Наврўз Шарқ халқларининг янги йил ҳисоби бошланган қадимий байрами эканлиги тушунтирилди. Ўзбек тили ўқитувчилари Г. Мавлонова, Д. Нодирова ва Н. Собировалар бошчилигида ўзбек тили ҳафталиги ўтказилаетир. Унда 8-11-синф ўқувчилари кўн, шевър ва сахна асарларидан иборат концерт дастури билан иштирок этаётдилар. Бу тадбир мактаб ўқувчиларида Давлат тилини пухта ўрганишга рағбат уйғотади. Миллий маданият, Шарқ халқлари анъаналарига ва қадриятларига қизиқини оширади.



СУМАЛАКХҲУРЛИККА МАРҲАБО!

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

Янги йил хабарлари

ИНЪОМ

ТУРКИЯЛИК биродарларимиз Наврӯз байрамига атаб юборган маҳсулотлар жойларда тақсимланмоқда. Турли озиқ-овқат маҳсулотлари ва 33651 дона бир марта ишлатилган шприц ортлган автомашиналар қарвони Фарғонага етиб келди.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН

ЎЗБЕКИСТОН Халқ Демократик партияси Андижон вилоят кенгаши ходимлари бева-бечоралар ва ногиронлар ҳолидан хабар олишни ўз инсоний бурчлари деб билишмоқда. Улар Наврӯз байрами арафасида Избоскан район Чувама қишлоғидаги аёл ногиронлар уйига келиб, вилоятдаги барча партия аъзолари номидан бу ерда яшаватганлар ва даволанаётганларга кийим-кечак, махси-халиш, дурра, иссиқ пайпоқ ҳамда ширинликлар тортиқ этишди.

ДЕҲҚОНЛАР БОҒИ

БЕШАРИҚ районидagi «Якитут» совхози меҳнаткашлари Наврӯз байрами арафасида муносиб совға олдилар. Бу ерда ҳўналикнинг маданият ва истироҳат боғи очилди. Унда 500 ўринли ёзги кинотеатр, хилма-хил анжумаларга бой болалар аттракцион, оққатхона мавжуд. Атрофидан суя оқиб ўтадиган нақшинор миллий чойхона эса боғ ҳўсинга-ҳўсин қўшган. Совхоз меҳнаткашлари эндиликда турли байрам ва сайллари шу ерда ўтказишади.

Ҳўжалик раҳбарияти меҳнаткашлар дам олиш жойини бунёд этиш учун олти гектар ер ажратган. Шундан ўч гектарини истироҳат боғи эгаллади. Яримда эса мевазор боғ бунёд этилди. Дам олиш максадин учун ер ажратилган пайтдаёқ, бу ерга турли мева кўчатлари ўтказилган эди. Ҳозир улар кўйгос гуллаб, атрофга муаттар ҳўд таратиб турибди. Эътиборли томони шунданки, истироҳат боғини ҳам, мевазорни ҳам совхоз деҳқонларининг ўзлари бунёд этишди.

«САХОВАТ»НИНГ САХОВАТИ

ОЛТИАРИҚ районда яшовчи ёрдамга муҳтож оилалар Наврӯз арафасида «Саховат» жамияти саховатидан баҳраманд бўлишди. Район матлубот жамияти қўшида ташкил этилган бу ҳўжатбарор ташкилот қисқа вақт ичиде кўпчиликка муруват қилди. Жамият аъзолари ёрдамга муҳтожларни аниқладилар. Бундайларнинг сони районда беш юздан ортиқлиги маълум бўлди. Уларнинг кўпчилигига 300 сўмдан 5 минг сўмгача моддий ёрдам кўрсатилди. Бир қанча муҳтож оилаларга бепул уй қуриб берилди. «Саховат» амалга ошираётган савобли ишлар шўгини эмас. У район марказида канализация, қишлоқларда масжид қурилиши учун ҳам анчагина маблўг ажратди. Район матлубот жамияти бу йил ўн миллион сўм даромад қилишни кўзламоқда. Шу пулнинг камида ярми «Саховат» жамияти ҳисобига ўтказилади.

[ЎзА].

Эзгулик унутилмайди

«СОҒИНИБ ЯШАЙМАН»

Наврӯз айёмининг бир ажойиб фазилати шундаки, у меҳр-муруват, ёрдамга муҳтожлар қалбини нурга тўлдиради. Оқибатли кишилар ўтган Наврӯзларда шундай одамларнинг жонига оро қирганликларини кўплар ҳали унутмаган бўлса керак. Муаззам, Ойбек, Абдулатиф... яна қанчадан-қанча заиф, хаста, бечоралар ана шу байрам бағҳонасида элга танилиб, яхшилар назарига тушдилар.

Муаззам Умарова ҳозир Самарқанддаги 18-болалар уй-мактабиде тарбияланмоқда. Бу ерда унинг яшаши, ўқиши учун барча имконият яратиб берилган. Мен уни анъанавий саволлар билан суҳбатга қорладим:

— Нимани яхши кўрасан, Муаззам?

— Одамларни.

— Муаззам, бу ер зерикарли эмасми?

— Йўқ. Тарбиячиларим, ўқитувчилар ва тенгшод дўгоналарим бирам ажойиб.

Қизалоқнинг кўзлари магноли ва шўчан боқади. У ҳаётни жуда-жуда севади.

Муаззамни 1990 йилги Наврӯз ҳаммага танипти. Унга совға-саломлар, пуллар юборишди. Самарқандда яшовчи Мамлакат опа эса инсоний саховат, чинакам гаўҳўрлик кўрсатиб, уни Андижондаги ақли заиф болалар уйидан ўзиникига олиб келди. Вилоят «Болалар жарроҳлиги» илмий-ўқув, даволаш бirlашмаси шифокорлари Муаззамнинг саломатлигини тиклашга киришдилар. Бirlашма директори, профессор Азамат Шамсиев ва шифокор Муаззам Мейлиева бор маҳоратларини ишга солиб, уни овқатга турғаздилар. Муаззам 13 ёшга тўлганде юра бошлади.

— Яқинда биз Муаззамни бу ерга олиб келдик, — дейди 18-болалар уй-мактаби директори Маҳфуза Суяршоева.

— Унинг зеҳни ўткир, ақл-фаросатли, яхши ўқияпти. У турли тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Мана ҳозир Наврӯзга тайёргарлик кўраёлимиз. Муаззам унда ёд олган шўри билан қатнашмоқчи, кўшиқ айтмоқчи.

Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Туркия—Ўзбекистон

ЁРДАМ УЧУН ТАШАККУР!

ШАРҚНИНГ буюк алломаси, ҳаюртимиш Абу Райҳон Беруний «Ҳамма кишиларга ва ҳаюртларга яхшилик қилмоқ керак. Имонияти бўлмаган тақдирда яхши ният ва сўз билан, қўлдан келганда эса амалий иш билан қарашиб юбориш савобдир» деганда, ҳозирги оғир иқтисодий таназул дамларида туркларнинг Ўзбекистонга кўрсатаётган умуминсоний ёрдамга ўхшаш яхшиликни, эзгуликларни ҳам назарда тутгандир. Қўтилмаганда бошига оғир мусибат тушган турк халқи ҳамон яхши ният билан ёрдам кўрсатаёпти. Шу кунларда республикамиз халқи олаётган нарсаларга табиий офат рўй берган Эрзинжон шаҳри ақли ҳам эҳтибамид. Шунга қарамай, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконпаниясининг ИЛ—76 Д самолётлари бортида 40 тоннадан зиёд юк билан ҳар кун Анқарадан Тошкентга 5—6 бора парвоз қилаёпти.

Яқинда муҳбиримиз ана шу озиқ-овқат маҳсулотларининг Тошкент шаҳри аҳолиси улуши қандай тақсимланаяпти, қимларга бериш режалаштирилган, ёрдам эгаларига етиб бораётганими! — деган саволлар билан шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Туркиядан келган юкларни қабул қилиб олиш ва тақсимлаш комиссиясининг пойтахт шаҳри бўйича раиси Карим Расуловага мурожаат қилди.

— КЕЛТИРИЛАЁТГАН маҳсулотларни республикамизнинг барча вилоятларининг аҳоли сонига қараб тақсимлаш режалаштирилган эди. Жумладан, Тошкент шаҳрига тегишли хайрияти қабул қилиб олиш ва эгаларига етказиш келишиб олдик. Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

Озиқ-овқатнинг бир қисmini Наврӯз арафасида, қолганини эса рамазон ҳайити тўғрисида нозорат қилиш бўйича 12 кишидан иборат штаб тўзиди. Туркиядан учадиган самолётларнинг қай пайт келиши аниқланиб, шаҳар ҳокимиятида навбатчилик жорий қилинди. Февраль ойининг охиридан бошлаб ёрдам кела бошлади. Штаб аъзолари маслаҳатлашиб Тошкент шаҳри уллушини бир жойга йиғдик. Корхоналар, ташкилотлар, район, маҳалла комитетлари, турли жамиятлар, болалар уйлари раҳбарларини тўплаб нарсаларни қимга, қандай усулда тақсимлаш ва уни ўз эгаларига етказишни келишиб олдик.

қўлига тушиб қолмаслик чораларини кўришди. Ташкилотларга, етимхоналарга район оғирборидан тарқатилган бўлса, ёлғиз, ногирон ва бошқаларга кузатувчилар назоратида етказиб берилди. Шундай қилиб, туркиялик биродарларимиз юборган тўғрлардан тошкентликларга салкам 51 тонна ун, 39 тонна шакар, 4 тоннага яқин маргарин, 10 тонна гуруч, салкам 5 тонна ёғ, бир тонна болалар овқати, шифокорлар учун салкам 32 минг дона шприцлар теғди Дўст кулфатда билан нади деганларидек, ўз бошига таъшиш тушганлигига қарамай, бизга ёрдам қилини юзаётган турк биродарларимизга Тошкент шаҳар ҳокимияти, жамоатчилиги номидан ташаккур! Минг раҳмат, сизга, турк биродарлари! Сўхбатдош: И. ТОШЕВ.



© СУРАТЛАРДА:

(юқорида) Ўзбекистондан Анқарага ўчиб кетаётган кутқарувчилар гуруҳи. Улар қаттиқ зилзиладан азият чеккан Туркия аҳолисига ёрдам беришади. (Пастда) Анқарадан Тошкентга ҳайрия юклари ортиб жўнаётган навбатдаги самолёт.

В. МИЛЕНЬКИЙ ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар. (ЎзА фотохроникаси).



Хотира

У ҲАМАЛНИ СЕВАРДИ

МЕН... мен уни кўрдим, ҳа-ҳа, кўрдим. У намаладан барган таъчан эди. Нозик, ҳарир қўллари ила дарахларни силаб ўтарди, куртаклар бу тафрли сийлашдан титраб, поғлаб кетарди. Булутлар рангидеги қўйлагининг эгати ерга тега-тегмас қўйлаб бора-бор ортида ям-яшил ранг энарди ерларга. Унинг чеҳрасини, кўзу қўшларини кўролмайд доғда қолдим: дил ҳалжонда, ортидан югураман. У бепарво, илдам кетаётди. Изма-из боравердим-боравердим ва ниҳоят... у қабрисонга кириб кетди. Бирдан... мазоротининг кўм-кўк майсаларга бурнгангани кўрдим. Саноқсиз лаҳадлар устига эҳтиромли сўзлар битилган қабртошлар қўйилган. Улардан бирида «Усмонова Сожида. 1922-1987 йил»... — деб ёзилган... Сожида Усмонова — умрининг 42 йилини маърифатга, болаларга ялму зиёд беришга бағишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўнитувчи, «Халқ маорифи аълочиси» эди. У ҳамалини хушларди. Баҳорда дунёга келиб, 65 йил умр кўрди, санқиз фарзандини воғна етказди ва ўзи селган фаслда оламдан ўтди. Афсус, Сожида опа пенсияга чиқиб на давлат берадиган нафранининг, на набираларининг ҳузур-ҳаловатини кўришга улгурди... Майсаларга қурнган қадрга боқаман-у дилим қақшайди. Саховатид баҳор марҳумларни сийлашни ҳам ёди-

дан чинармабди. Унинг саховатиға, ибратига таъзини қўйгим нелайди. Атрофга термулиб баҳорни қидираман, у эса аллақачон мендан олислаб кетган эди. Тасавурида жоиланаяпти: баҳор ҳозир барча боғлар, ҳовлилар қатори Сожида опанинг муборак хонадонидан ҳам ўтган, унинг ҳовлисидеги бир жуфт ўринки оҳиста кучган. Опанинг тўнғич қизи Марҳоба ҳовлига чиқиб қарасани, онаси селган ўриқлар ошпоқ гулга бурнанибди. Кўзларидан маржон-маржон ёш қуйилади, бағри эзилди, онасини эслади. Ичкарига кириб, онаси ўрнида тўйи булаётган кенкайти синглисининг эғинга келинчак либосини солиб кўради. Дийдасида ёш билан бахт тилайди... Ҳаёлимни жиловлайман. Атроф сукутда. Баҳор марҳумлар оромгоҳига ўз меҳрибонлигини инъом этиб кетган. Мен унинг чеҳрасини кўриш учун ортидан эргашолмайман, руҳим толиқад, эзимга қайтаман. Балки у ўз сиймоси тисмонини дарахлар, гуллар, ҳатто қабрисондаги мана шу яшил майсаларда қолдиргандир? Баҳор бизнинг ўтқишчи ҳамду саноларимизга бефарқ келаверди, кетаверди. У биз қўйлагандан ҳам, ўйлагандан ҳам буюкроқ, улугворроқ ва саховатлироқ...

Тоҳир ДОЛИ ўғли.

«ҚАДРИЯТ» ЙЎЛДОШИНГИЗ БЎЛСИН!

Мухтарам жаноблар ва хонимлар! Ўзбекистон Халқ академиясининг нашри бўлиши «Қадрият»нинг илк сони нашрдан чиқди. Ҳамма нарса танқис бўлиб турган замонда бу рўзномани чоп этиш заруринди! Яхшим, ёмонми, биз кутган кунларга етдик. Бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида ерга урилган, поймол этилган қадр-қимматимизни тиклаш, бой маданиятимизни, унинг ноқир жаҳоқларининг халққа етказиш пайти келди. Рўзнома одадагидек кириш сўзи билан очилган. Унда янги нашрини чоп этиш Наврӯз кунларига тўғри келганлиги тилга олинади. Бу ҳам Аллоҳнинг бир сийлови бўлса, ажаб эмас. Танқил журналист Исмоил Усмоновнинг «Рашидовдан ёмонлик кўрмадим» сарлавҳали сўхбат-мақоласида марҳум Шароф Рашидовнинг қандай инсон бўлганлиги, юриш-туриши, муомаласи, қадр-қиммати ҳақда гап боради. Таълимнинг янги усулини жорий этиш жумҳуриятимиздаги энг долзарб вазифалардан биридир. «Хусусий дономани чоп этиш заруринди!» сарлавҳали мақолада шу тўғрида фикр юритилади. Яқин кунларда Туркистон [хусусий] дорилфунунини очиб қўзда тутилмоқда. Тўлқин Ҳайитининг «Эфталтими ё элталлаби» мақоласи тарихимизнинг бир бўлағи бўлган эфталтлар тарихи ва бундай номининг келиб чиқиши муаммосига бағишланган. Рўзноманинг илк сони шакл-шамойили, мазмунини ўзига хослиги билан ажралаб турибди. Демак, яқин орада у муҳтарам ўқувчиларининг энг яқин йўлдошига айланади. Ҳозирча рўзнома ҳар ойда бир мартадан чоп этиб турилади.